

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2016 йил
21 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 77 (12921)

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА (БРАЗИЛИЯ) БЎЛИБ ЎТГАН XV ЎЗГИ ПАРАЛИМПИА УЙИНЛАРИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ ПУЛ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида Паралимпия ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XV ўзги Паралимпия уйинларида муносиб иштироки, жасорат, матонат ва мардлик намунасини кўрсатиб, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 июлдаги ПҚ-2558-сон Қарорига мувофиқ:

1. Куйидаги спортчилар бир йўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирлансинлар:

ОЛТИН МЕДАЛЬ ОЛГАНИ УЧУН
ҳар бири 200 000 АҚШ доллари билан:

Намозов Шерзод Насимович – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
Нигматов Ўткиржон Исмаилов ўғли – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
Тулендибаев Адилжон Ришатович – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
Норбеков Хусниддин Киличбоевич – енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Свечников Александр Владимирович – енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Каюмова Нозимахон Номонжоновна – енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Мусабеков Фирдавсбек Улуғбек ўғли – сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;
Амилова Фотимахон Равшанбек қизи – сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Давоми 2-бетда. ➡

Вилоят Кенгаши сессияси

КОМИССИЯ ТАРКИБИ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Қайд этиш жоизки, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, округ сайлов комиссияси таркибига энг муносиб кадрлар тавсия этилди.

Сессияда тавсия этилган номзодларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тасдиқига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, сессияда Халқ депутатлари вилоят

Кенгаши депутатлигига бўшаб қолган 44-“Кориз” сайлов округида ўтказилган сайлов яқунлари хусусида вилоят сайлов комиссияси раиси У. Абдушохидовнинг ахбороти тингланди ва янги сайланган депутатнинг ваколати эътироф этилди.

Сессияда бошқа ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўз мухбиримиз.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БЕКОБОД ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Бекобод тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Чуқур танқидий руҳда ўтган сессияда ишда йўл қўйган хато ва камчиликларни учун туман ҳокими Шодибек Ҳамроев эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Сессияда Холматов Рустам Курбонназарович туман ҳокими вазифасига тасдиқланди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Д. Назармухамедов иштирок этди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Оққўрғон тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Таҳлил ва танқид руҳида ўтган сессияда ташкилий масала кўрилди. Шу вақтга қадар туман ҳокими вазифасида ишда келган Маъмур Дадажонов ишда йўл қўйган хато ва камчиликлар

ри учун туман ҳокими лавозимидан озод этилди.

Сессия Оллаберган Хаитбоевич Оллабергановни туман ҳокими лавозимига тасдиқлади.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Д. Назармухамедов сўзга чиқди.

Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 20 сентябрь куни Ангрен шаҳрига ташриф буюрди.

ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш мақсадида 2012 йилда ташкил этилган "Ангрен" махсус индустриал зонасида кенг кўламли ишлар, жумладан, 11 йриқ инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Жорий йилнинг охирига қадар яна 7 ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил 28 августдаги Қарорига мувофиқ ҳаётга татбиқ этилаётган "Ангрен" махсус индустриал зонаси ҳудудда конвейер ленталари, қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва автомобиль шиналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасининг амалга оширилиш жараёни билан танишди.

Бу ерда йилига 100 минг погон метр конвейер лентаси, қишлоқ ҳўжалиги техникаси учун 200 мингта шина, 3 миллион дона автомобиль шинаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Мазкур йирик саноат корхонаси мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида ишга туширилиши қайд этилди.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши 1 минг 200 иш ўрни ташкил этиш имконини беради. Шу кунги Шавкат Мирзиёев Ангрен ИЭСда 2016 йилнинг август ойида ишга туширилган янги энергия блокни кўздан кечирди. Замонавий технологиянинг жорий этилиши натижасида йилга 1 миллион тонна кўмирдан самарали фойдаланишга эришилади ва бу орқали 840

миллион кВт/соат электр энергияси ва 423 минг гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Янги энергия блокнинг ишга туширилиши ёқилғи сарфини камайтириш, атмосферага газ чиқиндилари чиқишини сезиларли равишда қисқартиришни таъминлайди.

Шавкат Мирзиёев "Ўзбекқўмир" акциядорлик жамияти фаолияти, Ангрен кўмир қонида ёқилғи қазиб олиш ва етказиб бериш ишлари, бу ерда амалга оширилаётган техник қайта жиҳозлаш жараёни билан ҳам танишди.

Жорий йил бошидан буён қонларни қазиб ишлари ҳажми 15,4 миллион куб метрдан ошди, 2,6 миллион тонна кўмир қазиб олинди. 2016 йилнинг охиригача кўмир қазиб ҳажмини 3,7 миллион тоннага етказиш режалаштирилган.

Танишув жараёнида мазкур саноат корхоналари учун ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, мутахассисларнинг етакчи хорижий компанияларда малака оширишини ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Ангрен шаҳрида амалга оширилаётган ободонлаштириш, уйл-жой ва ижтимоий соҳа объектларини қўз-қийш мавсумига тайёрлаш ишлари билан танишди.

Хусусан, мактабгача таълим муассасаси, деҳқон бозорини бориб кўрди. Учрашувларда аҳоли учун қулай яшаш шароитларини, ижтимоий инфратузилмани янада такомиллаштириш, коммунал хизматларни яхши-

лаш, ҳудудларни ободонлаштириш, замонавий истироҳат ва дам олиш боғларини барпо этиш лойиҳаларини амалга оширишга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ангрен шаҳри раҳбарлари ва фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида йирик лойиҳаларни бошлаб берган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг фаолияти, улкан хизматлари алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 сентябрдаги "2016-2018 йилларда Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори пойтахт вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда Ангрен шаҳри ижтимоий инфратузилмасини модернизациялаш масалалари таҳлил этилди. Шаҳар ҳокими, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига мавжуд камчиликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташрифи давомида пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва кузги экин ишларининг бориши билан ҳам танишди. Фермерлар, соҳа ходимлари билан учрашув чоғида қишлоқ ҳўжалиги ишларини қисқа муддатда уюшқоқлик билан ўтказиш масаласи атрофида муҳокама этилиб, тегишли топшириқ ва тавсиялар берилди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 71-сессияси мажлиси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовни ёд этиш маросими билан бошланди. Ушбу нуфузли анжуман иштирокчилари – БМТ вакиллари, 193 мамлакат делегатлари, давлат раҳбарлари, сиёсатчилар, дипломатлар ва бошқалар Президент Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

БМТ янгиликлар маркази хабар қилишича, БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун, Бош Ассамблеянинг 71-сессияси раиси Питер Томсон ва қатор давлатлар вакиллари жаҳоннинг энг юксак минбаридан Ислом Каримовнинг Ўзбекистон фаровонлиги, минтақамиз тинчлиги ва барқарорлиги йўлида амалга оширган улкан ишлари ҳақида сўз юритган.

Пан Ги Мун Президент Ислом Каримовнинг оила аъзолари ва Ўзбекистон халқига яна бир бор ҳамдардлик билдирган.

– Ислом Каримов Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларини бажаришда муҳим ютуқларга эришди ва барқарор ривожланишнинг янги вазифаларини қўлаб-қувватлади. Давлат раҳбари раҳнамолигида минтақада тинчлик ва ҳавфсизлиқни таъминлашга улкан ҳисса қўшилди. Ислом Каримов ташаббуси билан 2009 йилда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этилгани жаҳон ҳамжамиятининг муҳим ютуқларидан бири бўлди, – деди Пан Ги Мун.

БМТ Бош қотиби Ўзбекистонга икки бор расмий ташриф билан келганини, халқимизнинг самимиятини ҳис қилганини қайд этган. Ўзбекистон мустақилликка эришганига 25 йил тўлди. Бир пайтлар Президент Ислом Каримов айтганидек, халқ манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларни мамлакат ривожининг устувор йўналишига айланди, деб таъкидлаган Пан Ги Мун. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонда амалга оширилаётган фундаментал ислохотларга ҳисса қўиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш ниятида собитлигини билдирган.

Тадбирда БМТнинг беш минтақавий гуруҳи – Осиё, Африка, Шарқий Европа, Фарбий Европа, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси гуруҳлари вакиллари сўзга чиққан. Улар Ислом Каримовнинг тинчликпарвар сиёсати, асосли ташаббуслари ва амалий ишлари улкан минтақада ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаганини эътироф этган.

Қозғоғистоннинг БМТдаги Доимий вакили Қайрат Абдрахманов Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов қатъиятли, мард ва тўғрисиқсиз лидер, тенгҳуқуқли ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик тарафдори бўлганини таъкидлаган. Шарқий Европа давлатлари номидан сўзга чиққан Эстония вакили Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон юритган сиёсат Марказий Осиёда барқарорлик ва халқаро муносабатлар ривожига хизмат қилганини баён этган.

Ўзбекистоннинг БМТдаги Доимий ва мухтор вакили Музаффар Мадрахимов ватандошларимиз учун оғир бўлган паллада ҳамдардлик билдиргани ва қўлаб-қувватлагани учун анжуман иштирокчиларига миннатдорлик билдирган. Ислом Каримов эркин фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуришнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида юксак обрў-эътибор қозongan эди, дея таъкидлаган.

Авалроқ, 6 сентябрь куни Ислом Каримов вафотига мотам белгиси сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк, Женева ва Рим шаҳарларидаги бинолари ёнидаги БМТ байроқлари туширилган эди.

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов замонимизнинг буюк сиёсатчиси, узоқни кўра оладиган ва стратегик фикр юритадиган нодир қобилият соҳиби, тинчликпарвар ва халқпарвар давлат раҳбари, доно ислохотчи ва қомил инсон сифатида бутун дунёда юксак обрў-эътибор қозонганидан далolat беради.

ЎЗА.

ЧИНОБОДНИНГ ЧИНАКАМ МЎЪЖИЗАСИ

Янги тадбиркор учун ернинг ёмони, ишнинг оғири йўқ. Ташландик бўладими, хароб бўладими, унга барибир, ҳужжатлаб берилса бас. Белни маҳкам боғлаб, енг шимариб, ишга астойдил киришади. "Йўл босганга ўр-қир бир" деганларидек, қарабсизки, кўз очиб-юмгунча, одамлар четлаб ўтадиган қаровсиз, кўримсиз жой ўрнида дуппа-дуруст боғ пайдо бўлибди. Йўқ, бу гапни биз тўқимадик. Буни Қибрай тумани "Чинобод" маҳалласидаги "LEO GARDEN" масъулияти чекланган жамияти раҳбарлари айтишди. Аввалига муболага қилишаяпти, деб ўйловдик. Аммо, ўша янги (янги эмас, айнан янги) боғни ўз кўзимиз билан кўргач, муболага эмаслигига ишондик.

Баҳром Бойматов тадбиркор фермерлар ҳаракатини кўпдан кузатиб юриб, тузган режасини рўйбга чиқариш учун 2014 йилда Қибрай тумани ҳокимлигидан ер сўради. Раҳбарият бу янги, синалмаган тадбиркорга аввалгилар ташлаб кетган 50 гектар қаровсиз ерни хатлаб берди. Одамлар бу жойга нималарни ташлашмаган экан. Ўзим, супуриб-сидириб тўпланган

Қишлоқ мулкдорлари

ахлат, чиқинди юзлаб машиналарга юк бўлди. Энди обдон тозаланган ернинг қувватини, яъни тупроқнинг унумдорлигини аниқлаш керак эди. Зеро, ҳамма ер бир ерда, деб кўчат экишни бошлаш ҳақиқий тадбиркорнинг иши эмас. Тупроқ таркибини илмий асосда, яъни лаборатория шароитида текширди. Таҳлил натижалари маълум бўлгач, 1200 машина гўнг солди. Бунга

ҳам қаноат қилмай, кўпдан бери бекор ётиб, қотиб кетгани учун биринчисиде кетгарига бир тоннадан, кейинги йилдан 500 килограммдан аммофос берди. Касаллик ва турли ҳашаротлар хуружининг олдини олиш учун керагича олтингугурт сеппди. Шўр ва зах сувни қочириниш учун узунлиги 450 метр, чуқурлиги 3,5 метрли зовур қазиди.

Давоми 3-бетда. ➡



1 октябрь –
Ўқитувчи ва
мураббийлар куни

САНЪАТГА МЕҲР УЙГОТАЁТГАНЛАР

Бугун диёримизнинг ҳар бир ҳудудида Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун замонавий ўқув бинолари бунёд этилмоқда. Бу эса, шубҳасиз, шу соҳада меҳнат қилаётган устозларимизга катта куч ва илҳом бағишлайди.

Вилоятимизнинг Юқори Чирчиқ тумани марказида жойлашган 150 ўринга мўлжалланган замонавий типдаги 24-Болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам ана шундай қутлуг ўқув масканларидан бири. Мактабнинг замонавий ўқув биноси фойдаланишга топширилган, унинг имкониятлари янада кенгайди.

Ҳозирда икки қаватдан иборат мазкур бинода 35 та ўқув хонаси, 200 ўринга мўлжалланган катта концерт зали мавжуд. Хореография, компьютер хонаси ҳам ўқувчилар хизматида. Мактабнинг янги биносида 198 ўқувчига 28 нафар малакали педагог таълим бермоқда.

– Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, – дейди мактаб директори Раҳима Ўринбоева. – 2014 йилгача 4 та йўналиш бўйича таълим олиб бориш бўлса, ҳозирга келиб, 11 та йўналиш бўйича ёш иқтидорларга сабоқ бераёلمиз. Имкониятларимиз кенгайиб, самарали меҳнат қилишимиз учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Натижада, ёш иқтидор соҳиблари кўпайиб бормоқда.

Дарҳақиқат, Нуриддин Маҳкамов, Доно Йўлдошева, Машхура Жўраева, Клара Ҳасанова, Нигора Довутбое-



ва, Ойбек Тошпўлатов сингари тажрибали устозлардан сабоқ олган ёшлар турли хил танловларда муносиб иштирок этиб келишарди.

Хусусан, республика миқёсида ташкил этилган дами ва зарбли чолғулар ижрочилиги йўналишидаги "Санъат гунчалари" кўрик-танловида Раҳима Ўринбоеванинг шогирди Жаҳонгир Бахтиёров саксофон чолғуси бўйича иқтидорини намойиш қила олди.

2015-2016-ўқув йилида эса "Академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида анъанавий хонандалик йўналиши бўйича Шаҳноза Довутбоеванинг шогирди Абдувоит Абдужабборов 2-ўринни эгаллади.

Яна бир гап. Мактаб ўқитувчиларидан Дилёра Исломова шу йил май ойида Италияда бўлиб ўтган фортепьяно бўйича халқаро танловда голибликни қўлга киритди.

Ашуралӣ БОЙМУРОД.

Ерни оби-тобига келтириб олган, аввалдан мўлжаллаб қўйганидек, қаров-ишлов бутунлай янгилаб бўлган боғ барпо этишга киришди. Аввал 25 минг донга темир-бетон шпал олиб, ердан 4-4,5 метр баланд қилиб ўрнатди. Самарқандга хориждан 125 минг туп таглик кўчат келтириб экиб, 9 наф олима ва 4 наф нок пайванд қилинди. 2015 йили баҳорда тайёр бўлган 85 минг туп олима кўчати экилди. Шу йилги дарахтларга текис ва тўғри шакл бериш учун ер сатҳидан 25-30 сантиметр баландликкача бўлган шох ва новдалар кесилди. Илк ҳосилдан воз кечиб, боғнинг келажagini ўйлаб, гуллари юлиб ташланди. Фақат навларнинг меваси сифатини кўриш мақсадида, юқори шохларда 4-5 тадан гул қолдирилди, холос. Қолаверса, таглиги четдан келтирилган, пайванд қилинган навларнинг маҳаллий иқлим ва тупроқ шароитига мослашувини ҳам синаб кўриш керак эди.

Янгича боғнинг суғориш тизими ҳам ўзига хос, яъни янгича. Сув оқар ариқдан келиб, эни 25 метр, узунлиги 70 метр, чуқурлиги 4,5 метр, сизими 6150 куб метрли усти ёпиқ (сув борлиги билинмайдиган) ҳовузга қўйилиб, тўпланади. Бу ерда тиндирилиб, тозаланиб, тоза ичимлик суви ҳолатига келтирилади ва махсус идишларга ўтказилиб, мевали дарахтлар учун компонентлар, яъни ўғит, витамин ва кимёвий дорилар қўшилган, дарахтлар компьютерлар бошқарувида томчилатиб суғорилади. Ҳовуздаги сув 3-4 кунга етади. Боғ 7 га бўлинган бўлиб, 2-3 соатда сув берилади.

Иш юритувчи Рустам Йўлдошевнинг ҳикоясини тинглаганимиз сари ҳайратимиз ошиб борди.

– Ҳар туп дарахтимиз рақамланган, – дейди у. – Уларга алоҳида анкета очилган. Қайси дарахт қачон ва қанча ўғит олгани, қачон ва неча марта суғо-

← Бошланғич 1-бета.

рилгани, барги, танаси ёки меваси қачон, қандай касалликка чалинган, офтоб ургани анкетада қайд этиб борилади. Бундан ташқари, алоҳида тажриба участкамиз бор. Бу ерда 50 наф мевали дарахт ва полиз экинлари синовдан ўтказилмоқда. Мақсад – боғларимизни мўл ва сархил мева берадиган навлар билан тўлдириб бериш ва истеъмолчиларга манзур бўладиган қовун, тарвуз навларини етиштириш. Синовдаги 10 хил олима, 4 хил ўрик, 5 хил шафтоли, 3 хил беҳи, 2 хил анор, 5 хил узум навлари хориждан келтирил-

Баҳром Бойматовнинг ўзи, бош ҳосилот Баҳриддин Хусомиддинов, шунингдек, Ойбек Убайдуллаев каби мутахассислар ҳам Европа давлатлари ва АҚШга бориб, иш ўрганиб келишди. Шунинг натижаси ўларок, бугун 50 гектарли боғдаги бутун агротехника – хорижники. Ишчиларга яратилган шароитлар ҳам жуда қулай. Ошхона ва душхона – замонавий. Дам олиш хонасида телевизордан тортиб компьютергача бор. Ҳар бир ишчининг қўлида рация. Фалончини топиб кел, фалончига бориб айт, деб вақт ўтказиш

дан, об-ҳаво айниган пайтларда мевали дарахтларни ихоталаб, кучли шамоллардан асрайди.

Боғ ҳудудидидаги асосий кўча ва йўлақлар тунда ҳам кундузгидек қароғон бўлиб туриши учун симёғочлар ўрнатилиб, чироқлар остилан. Дарвоқе, газ ва ичимлик суви қувурлари, электр симлари юқоридан, асосий манбадан алоҳида тортиб келинди, маҳаллий аҳоли фойдаланмаётган манбаларга дахл қилинмади.

Шундай қилиб, масъулияти чекланган жамиятнинг умумий боғлари 100 гектарга, муқим иш билан таъмин-

ёғин, дўл, қаттиқ шамолдан, қушлар ҳужуми ва турли хашаротлар ҳуружидан сақлалади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Навбатда янада ажайиб режалар турибди. Тиниб-тинчимас тадбиркор Баҳром Бойматов боғлар росмана ҳосилга киргач, меваларни қайта ишлаш саноатини барпо этишни режалаштирмоқда. Бу – оқилона иш. Чунки, ҳар туп дарахт 70 эмас, 50 килограммдан ҳосил берганда ҳам беш-олти минг тоннадан ошади. Шунча маҳсулотни сархил ҳолида сотиб тугатиш мушкул. Шу боис,

машҳур бўлиб кетган.

Буларнинг ҳаммаси республиканинг Биринчи Президентининг мамлакатимизда сабзавотчилик, мевачилик, полизчилик ва узумчиликни замонавий агротехнологиялар асосида ривожлантиришга оид қарорлари ижроси йўлида амалга оширилаётган режалар чора-тадбирлар натижасидир. Бугун вилоятимизнинг Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон, Ангрэн, Бекобод каби туман ва шаҳарларига йўлингиз тушса, бир учи баланд тоғларга бориб туташувчи бепоён қияликларда яшнаб турган боғларга кўзингиз тушади. Илгарилари бу кенгликларнинг арзимолиги қисмида лалми буғдой етиштирилди, холос. Оз вақт ўтиб, ушбу боғлар ҳосилга киргач, "LEO GARDEN" каби янгича боғ барпо этган масъулияти чекланган жамиятлар, таъбир жоиз бўлса, "арифметик прогрессия" асосида кўпайиб бориши шубҳасиз.

Замонавий боғбонлар билан ҳам ҳаяжонли, ҳам мароқли суҳбатимиз пировардида, муҳбирлигимизга бориб, муаммолар ҳусусида ҳам сўрадик.

– Муаммо эмас-у, аммо бир оз ташвиш келтираётган кичик камчилик бор, – деди иш юритувчи. – Махсус ҳовузимизга сув аҳоли фойдаланмайдиган оқар ариқдан келади. Баъзилар сувни қайта бўлса-бўлмаса, томорқаларига буриб, бекорга оқизиб қўйишади. Шундай пайтда захира сувимиз камайиб кетиб, ортиқча елиб-югуришга тўғри келади...

Ҳақиқатан ҳам, бу замонавий агротехнологиялар муаммалар жорий этилган маъмулияти чекланган жамият учун муаммо эмас. Ўзининг алоҳида газ, электр ва ичимлик суви тармоғига эга жамиятнинг ариғида эрта-индин сув тўхтовсиз оқишига шубҳа йўқ.

Абдусамид Йўлдошев,
Даврон АҲМЕДОВ
(суратлар),
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбирлари.



бир қисми шартнома асосида бюортмачиларга етказиб берилса, қолгани қайта ишланади. Қарабсизки, экспорт қилиш имконияти ошади.

Дарвоқе, айтишларича, Россиядан харидорлар келиб, боғни айланиб, маслаҳатлашиб кетишибди. Кейинги йилдан шартномалар тузилса, ажаб эмас. Зеро, Ўзбекистон мевалари ва полиз маҳсулотларининг мазаси аллақачон дунёда

□ Қишлоқ мулкдорлари

ЧИНОБОДНИНГ ЧИНАКАМ МЎЪЖИЗАСИ

ган. Уларнинг маҳаллий шароитларга қай даражада мослашиши ҳам ўрганилади, албатта.

– Айтсам ишонмайсиз, – сўзида давом этади иш юритувчи, – бизда иш энг замонавий усулда, пухта ташкил этилганки, ўзимизнинг алоҳида гидрометеорология марказимиз бор. Худудимиздаги ҳарорат ва намликни кўрсатиб туради, икки-уч кундан кейин бўладиган об-ҳаво ўзгаришларидан ҳам хабардор қилади.

Ҳосилга кира бошлаган олима боғларини айландик. Ҳар туп дарахт сафга тизилган аскарлардек, адл. Юқоридаги шохларда 4-5 тадан сархил мева. "Голден" олима нави ҳосилини эса териб олишибди. Боғбонларнинг айтишича, кейинги йили ҳар туп олима камида 25-30 килограммдан ҳосил бераркан. Боғ тўлиқ шаклланиб бўлгач, бу кўрсаткич 70 килограммга етаркан.

йўқ, ҳамма иш рация орқали зумда битирилади. Жамиятга ишга қабул қилинган малакали ҳамшира ҳам 80 нафар аъзонинг саломатлигидан рация орқали мунтазам хабардор бўлиб, зарурат туғилганда тез ёрдам беради.

Айтишларича, жамоанинг ишларидан кўнгли тўлган туман ҳокимлиги яна 50 гектар ер берибди. Аммо, у ҳам ташландик, қаровсиз экан. Уни ҳам 2014 йилдагидек, обдон тозалаб, олима боғдагидек агротехнологияни жорий этилибди. Бугунгача, янги ернинг 70 фоизига 15 хил филос экилди. Қўчатлар Франция ва Италиядан келтирилди. Паркент туманидан эса, гиолоснинг чарос (бичий глаз) нави олинди. Боғлар атрофи орасини 3 метр қилиб, 1500 туп арча қўчатлари ўтказилиб, ўралди. Бу биринчидан, боғ кўрмига кўрк қўшиб, кислородни кўпайтириб берса, иккинчи-

ланган аъзолари 80 кишига етди. Улар ҳар кун дарахтларни оралаб, касаллик ва хашарот тушган-тушмаганини кузатиб боришади. Бирор дарахтнинг ҳатто, барги сарғайган бўлса, у юлиб олиниб, лабораторияда текширилади ва дарҳол тегишли чора кўрилади.

– Интернетда корпоратив тизим яратиб арасидаимиз, – дейди Рустам Йўлдошев. – Бу амалга ошса, исталган рақамдаги мева дарахтининг буй-бастини нафақат компьютер, балки қўл телефонида кўриб, ҳолатидан хабардор бўлиб тураемиз. Бундан ташқари, 100 гектар боғнинг устини махсус тўр билан ёпамиз. Тўр боғни кучли

□ Ишонч телефони

Фуқароларнинг муносабатда бўлиш инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва самарали ҳимоя қилишнинг муҳим омилларидан биридир. Шу боис, миллий қонунчилигимизда бунга алоҳида аҳамият берилаётган. Айниқса, 2014 йилда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фуқаро-

ҲЕЧ БИРИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

ларнинг давлат органларига муносабат қилиш тартибини янада такомиллаштирди. Шу билан бирга, 2011 йилдан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалар, тақлиф ва шикоятларни қабул қилиш учун "Ишонч телефони" ташкил этилгани ҳам муносабатлар-

ни тез қабул қилиш ва вақтида чоралар кўрилишини таъминламоқда.

Бекобод тумани давлат солиқ инспекциясида "Ишонч телефони"га тушаётган муносабатлар билан ишлаш Давлат солиқ қўмитасининг тегишли идоравий ҳужжатлари асосида олиб боришмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида туман давлат солиқ инспекциясининг "Ишонч телефони"га 7 та муносабат тушди.

Улар синчиклаб ўрганилиб, ваколатимиз доирасида тегишли чоралар кўрилди.

"Ишонч телефони" фақат тадбиркорлик субъектларидан аризалар, тақлиф ва шикоятларни қабул қилиш учун мўлжалланган бўлиб, қасддан ёлғон маълумот тақдим этиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳ. САИДЖАЛОВ,
туман ДСИ бошлиғи.

ЭКСПОЗИЦИЯДА КЕЧА ВА БУГУНИМИЗ АКСИ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг пойтахтдаги маданият ва санъат кўргазмаси залида республика санъат ва фольклор фестивали бўлиб ўтди.

□ Фестиваль

Уч кун давом этган тадбирда тасвирий санъатнинг рангтасвир ва графика йўналишидаги асарлар, халқ хонармандчилиги, фольклор, модлар дизайни, республика эстрада-цирк коллежи ўқувчиларининг санъати, кўнглироқ театри сахна кўринишлари намойиш этилди.

Фестиваль доирасида ташкил этилган кўргазмадан ўрин олган устоз ва ёш рассомларнинг турли жанрдаги асарларида мамлакатимизнинг гўзал табиати, ўтмиш ва бугунги турмуш тарзининг айрим қирралари, миллий қадрият ва урф-одатларимиз, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг турли даврлардаги кўринишлари, замондошларимиз сиймолари акс этган. Айниқса, ёш рассом Алишер Ҳамдамовнинг бир-бирини тўлдирган "Сўқоқ" туркумидаги тўрт асари, Илҳом Отабоевнинг "Бурчмулла", "Чорвоқ", "Ангрэн воҳаси", "Оқтош", "Тоғда куз", "Ҳожикент", Сардор Аллабергановнинг "Чимён", "Хумсон", Ўринбой Қамбаровнинг "Хумсон", Эркин Бозоровнинг "Тоғдан қайтиш. Бурчмулла", "Хумсон", Илгитали Сатторовнинг "Нанай", "Чимён" каби ижод намуналари муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 21 сентябрь куни Тошкентда ҳаво бир оз булутли бўлади, вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бир оз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон ҳўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарадорлик Суд тартибда мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ
СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ.**

"KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ "ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ" бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент вилояти "Халқ банк" Бўка филиалининг 2016 йил 16 сентябрдаги 09-01/143-сонли бюртномасига асосан, Тошкент вилояти, Бўка шаҳри, Низомий кўчаси, 4/4-манзилда жойлашган, маъмурий бино-иншоот, умумий майдони 436,99 кв.м.да жойлашган, нотураж қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 150 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 24 октябр кунин соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати 2016 йил 21 октябр кунин соат 18.00.

Кўчмас мулк 2016 йил 24 октябр кунин сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2016 йилнинг 8, 23 ноябрь ва 9, 26 декабрь кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Тақрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охири мuddати 2016 йилнинг 8 ноябрдаги савдо учун 4 ноябрь, 23 ноябрдаги савдо учун 21 ноябрь, 9 декабрдаги савдо учун 7 декабрь, 26 декабрдаги савдо учун 23 декабрь кунлари соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳ-

нома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси; - жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Савдо голибига 10 (ўн) банк кунин ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулкнинг тўлиқ тўловини амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномасида тузилганда белгиланади.

Очик аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини "KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент филиалининг "Ипак йўли банки" АМТБ Сағбон ф-даги 20208000204920609032, МФО 01036, ИНН 207122519 х/р.га савдода иштирок этиш учун ариза топширунуга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А. Темури шохўчаси, 19-уй. Тел./факс: (0371) 233-49-31, (0371) 233-28-52. www.1kms.uz. Электрон почта: mintaq-birja@inbox.uz. Лицензия RR-0001.

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, ИБРАТ

Ирода ва имконият ҳақида кўп гапирилади. Чунончи, тўрт мучаси соғлом одамнинг галати ўй-хаёллар билан юриши, ичкиликбозлик, фирром ўйинлар таъсирига тушиб қолганини кўп кузатамиз. Бироқ, орамизда шундай қаҳрамонлар борки, уларнинг матонати, жасорати ҳар қандай одамни тўлқинлантиради.



Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган Паралимпия ўйинларида терма жамоамиз медаллар рейтинг жадалидан 15-ўринни банд этиб, Осиёда учинчи, МДХ мамлакатлари орасида иккинчи ўринни эгаллади. Улар ҳисобида 8 та олтин, 6 та кумуш ва 17 та бронза, жами 31 та медал мавжуд.

Бу рақамларда ҳикмат кўп. Бу, аввало, руҳи тегик, синовларда тобланган халқимизнинг буқилмас иродасидан бир нишонадир. Дунёнинг "ма-

наман" деган олғирлари орасида бел олишиб, неларга қодирлигини намойиш қилган ўғлон, гарчи жисмоний имконияти чекланган бўлса ҳам, қалби тиник, юраги бақувват – илло, унинг ортида азамат бир халқ турибди.

Бугун ўлкамизда катта қурилишлар, улкан бунёдкорлик ишлари бараб. Соддадил, меҳнаткаш деҳқонларимиз шу кунларда етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ҳаракатида. Телевизор қаршида

узок-узок ўлкалардан туриб, Ватанига салом йўлаётган, юксак эҳтиромини кўкси тўла медаллар билан ифода қилаётган ҳамюртларимизни кўриб, кўтаринки кайфиятда кўчага чиққанингизда, қаерлардадир шакарғуфорлик қилиб, ичкиликнинг зўридан чайқалиб-чайқалиб уйига қайтаётган бебошга кўзингиз тушади. "Иш йўқ", деган ваз билан аллабир юртларга ошқаб-ганларни кўриб қоласиз. Ана ўшанда, ҳозиргина гувоҳи бўлганингиз – икки манзара таъсирида, беи-

тиёр ҳазрат Навоийнинг байти ёдга тушади ва бу муборақ ҳикмати пичирлаб тақрорлаганча, топган-англанган ҳикматингизни кўнгилга беркитиб, секингина бободехқон қошига, ҳашарга отланасиз:

Тухум ерга кириб чечак бўлди,
Курт жондин кечиб ипак бўлди.

Лола тухумича файратинг йўқму?
Пилла куртича химматинг йўқму?
Баҳодир ҚОДИРОВ.

СПОРТ КУРАШЛАРИ. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари Грузияда давом этаётган эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Жаҳон чемпионатида иккита медални қўлга киритди.

Юнон-рум кураши бўйича Элбек Эргашев вазни 46 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида кумуш медални қўлга киритди. Вазни 42 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида қатнашган Ихтиёр Ботиров бронза медал билан тақдирланди.

БОКС. Ёш боксчиларимиз Россияда ўтказилган халқаро турнирда 2 олтин, 3 кумуш ва 1 бронза медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистон, Хитой, Мўғулистон, Афғонистон, Арманистон, Қозоғистон ва Россия давлатларидан саксондан зиёд спортчи иштирокида ўтган халқаро турнирда Сулаймон Латипов ва Улуғбек Дўстмуродов ўз вазн тоифасида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Мироншоҳ Иброҳимов, Алёр Норалиев, Улуғбек Мубинов иккинчи ва Ҳасанбой Латифоҳунов учинчи ўринни эгаллади.

Б. АЙТМУРДОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.



ТЕЗЮРАР АВТОБУС ЯРАТИЛДИ


Голландияда 250 км/соат тезликда ҳаракатлана оладиган супер автобус яратилди. Мутахассисларнинг фикрича, янги турдаги автобуслар шаҳарлараро қатновни амалга оширади ва улар учун махсус йўл қурилиши керак.



Wubbo Ockels Superbus деб номланган мазкур қурилма 23 нафар йўловчи ташиш имкониятига эга. Энг ғаройиб жиҳати шундаки, супербуслнинг 16 та эшиги бор. У Голландия техника университетининг тезюра электрокарлар лойиҳасига мувофиқ ишлаб чиқилган. Дастлабки босқичда фақат буортмалар асосида ишлаш йўлга қўйилиши кутилмоқда. Автобуслнинг узунлиги 15 метр, тезлик одатий шароитда 250 км/с, махсус йўлакда эса максимал 300 км/с.ни ташкил этади.

АКУЛА ОКЕАНИ ТОЗАЛАЙДИ

Бугунги кунда дунё океанларининг ифлосланиши глобал муаммо даражасига кўтарилган. Бу борада ҳар йили ўнлаб конференциялар ўтказилади, нуфузли минбарлардан туриб, қарорлар қабул қилинади.



Шунга қарамай, муаммо тўлақонли ечилмай келаётган эди. RanMarine компанияси вакиллари Waste Shark номли океани чиқиндилардан тозалайдиган робокулани яратишди. Робокулалар иккита "катта" ва "кичик" модификацияларда ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозир Европа шаҳарларида 6 та шундай "акула"лар тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Қурилма 500 килограммгача чиқинди йиға олади. Агар лойиҳага молиявий маблағ йўналтирилса, робокулалар ёрдамида океан чиқиндилари ҳажми кескин қисқаради.

С. ЎРМОНЖОНОВ тайёрлади.

Олов – тилсиз ёв

Вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида санаот корхоналари, мактаб ва маҳаллаларда доимий равишда режали текширувлар ўтказилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври давомида 369 мингдан зиёд хонадон, 4535 та кўп қаватли уйларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолати кўздан кечирилиб, аниқланган камчилик ва нуқсонлар бўйича тегишли ишлар амалга оширилди.

ЛОКАЙДЛИК ЎТДАЙ КУЙДИРАДИ

Шунингдек, 3 мингдан зиёд корхонадаги аҳвол текширилиб, ёнғин хавфсизлиги қоидалари кўпол равишда бузилганларнинг фаолияти вақтинча тўхтатилди. Носоз ва ёнғин чиқиш ҳолатида турган электр ва газ асбоб-ускуналаридан фойдаланиш тақиқланди.

Доимий огоҳлантириш ва тушунтиришларга қарамай, ёнғинлар ҳамон содир бўлмоқда. Хусусан, йилнинг ўтган даврида виллоятда 1 минг 28 та ёнғин содир бўлиб, катта моддий ва маънавий зарар кўрилди. Айниқса, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Бекобод, Зангиота, Қибрай, Паркент, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл туманларидаги ёнғинлар нафақат аянчилик оқибат, балки инсон ҳаётига зомин бўлишгача олиб келди.

Пискент туманидаги хонадонлардан бирида 3 ёшли боланинг қаровсиз қолдирилиши натижасида содир бўлган ёнғин унинг саломатлигига жиддий зарар етказди. Бундан ташқари, уй эгаси каттагина моддий зарар кўрди.

Газ печи ва электр мосламаларининг носозлиги, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, болаларнинг ўт билан ўйнашлари, кўп ҳолларда эса фуқароларнинг лоқайдлиги ёнғин чиқишига сабаб бўлмоқда. Шундай экан, ҳалол меҳнат билан топишган мол-мулкнингизни ўт балосидан асраш, соғлигингизни сақлашни истасангиз, хавфсизлик қоидаларига риоя қилинг, ҳамиша ҳушёр бўлинг.

Сардор НУРМЕТОВ,
виллоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси.

ЁЗУВЧИНИНГ ДАРДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов ижодига бағишланган "Ўткир қалам соҳиби" мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир

Тадбирда адибнинг оила аъзолари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ада-

биёт ихлосмандлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

– Истеъдодли ёзувчи

ва устоз адибимиз дилбар асарлари билан ўзбек адабиётида чуқур из қолдирди, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Хушид Дўстмуҳаммад. – Унинг ҳар бир асари йиллар ўтсада, ўз вазини йўқотмай келаяпти. Адиб айтиб-гандек: "Ёзувчи ўзи бекиёс ишонган, ягона

ҳақиқат деб билган нарсани ёзади. Ўша нарса юрагини ларзага солиб, чидаб бўлмас заруратга айланганидан кейин қўлга қалам олади. Ёзувчининг ўқувчига айтидиган "дарди" қанчалик салмоқли, қанча теран бўлса, ҳикоя ҳам шунча самимий бўлаверади".

Латифжон МАНСУРОВ.

Бизнинг шарҳ

Буюк ўзбек адибнинг: "Мозийга қайтиб иш кўрмоқ ҳайрлидир", деган сўзининг ҳаммамиз биламиз. Тарихни улуғ мураббий ҳам деймиз. Бугун эса шундай даврларга қадам қўйдикки, келажакка қараб ҳам иш юритишимизга тўғри келмоқда. Ид-даоимиз тушунарлироқ бўлиши учун гапни бир бошдан бошласак.

XX аср ўрталаридан турли оммавий қиргин қуроллари (ОКК) кўпая бошлади. Маълумки, ОКК орасида шубҳасиз, водород бомбаси зарари ва фалокат қўлами жиҳатидан барча қуроллардан ўтиб тушади. Бу балои офатнинг қуввати Ер шаридида барча ҳаёт шаклларида нукта қўйиш салоҳиятига эга.

XX асрнинг сўнгги чораги, айниқса, XXI асрга келиб, ОККнинг вайронкорлиги ҳақидаги гап-сўзлар ўз-ўзидан чекинди. Ўрнини янада қудратли восита – молекуляр биология эгаллади. XX асрнинг эллигинчи йилларида молекуляр биологиядаги қатор кашфиётлар, хусусан ирсиятнинг моддий асоси – ДНК молекуласи кимёвий таркиби, тузилиши аниқланган, биология таснифий "фандан экспериментал фанга айланди.

Айтганимиздек, ДНК ирсиятнинг моддий асоси. Агар ДНК ўзгартирилса, ўз-ўзидан ҳаёт шакли ҳам ўзгаради. Энди молекуляр биологлар кўрмасдан шундай экспериментларни ўткази бошладилар. Аммо, орада бошқа гаплар ҳам бор...

Албатта, ўсимлик ёки ҳайвонларни чаतिштириш муайян бир мақсад, яъни уларни серхосил, ноқулай табиий

шароит ва касалликларга чидамли қилиш мақсадида олиб борилган. Аммо, ашаддий тараққийпарвар олимлар ҳам бирор ўсимликни ҳайвон ёки микро билан чаतिштиришни имконсиз ва, ҳатто, ақлга сикмас нарсаси деб ҳисоблаганлар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, одамни дунёдаги барча ҳайвонот, наботот

Шу ўринда, ГММ нима, у қандай хусусиятларга эга, деган саволга жавоб берсак. ГММ ҳужайрасида бошқа бир организмдан сунъий киритилган ген ёки ДНК қисми бўлиб, бу жараён махсус лаборатория шароитларида амалга оширилади. Масалан, бугдойнинг бирор серхосил навидан курғоқчил ша-

кўпайиб, стратегик махсулотларга талабни қондириш мақсадида соя, бугдой, маккажўхори ва картошка каби экинлар кўплаб экилмоқда. Аммо, қатор олимлар ГММларнинг инсон вужудига зарари ҳақида бонг ура бошладилар. Уларнинг гаплари нечоғлиқ тўғри эканини би-лиш учун сўнгги тадқиқот-

трансген (генетик модификацияланган) уруғлар экспорт қилаяпти. Бу уруғлардан фақат бир марта ҳосил оласиз, холос. Уни экиб, олинган уруғ эса ҳосил бермайди.

Худди шундай уруғлар билан ўтказилган тажрибаларда бошқа бир ҳодиса рўй бериши кузатилди. Агар да-

да йирик лойиҳага қўл урилади. Шимолий муз уммонидаги доимий музликлар қоплаган Шпицберген архипелаги оролларида бирида йирик оқибор қурилиб, унда дунёдаги ўсимликлар уруғлари намуналари сақлана бошланди. Бундан кўзланган мақсадни изоҳлаш ўринсиз, назаримизда.

Икки йилча олдин интернетда тарқалган бир расмда келажак маҳлуқлари тасвирланган эди. Ўтишдан одамга ўхшайди. Териси буришқил, оёқлари – итнинг панжаси, атрофида болалар ўралашган...

Ирсий жиҳатдан ўзгартирилган бундай маҳлуқларнинг табиатдаги кейинги биологик фаолияти қизгин баҳс-мунозара, шубҳа-ғумон ва хавотирларга тўла. Негаки, келажакни тасаввур қилишга кўрқасан киши. Бизлар кундан-кунга ГММ аталмиш ҳаёт шаклларига қўниқиб, охириқабат уларнинг қурбонига айланмаймизми?

Сўнгги тадқиқотларга кўра, ирсий ўзгартирилган ҳаёт шаклларидаги ўша қўшимча ДНК қисми айрим ҳолларда инсон организмиде (кўпроқ ошқозонда) ҳазм бўлмас экан. У инсон вужудиде "сайр" қилиб, одамнинг табиий ДНКсига бирик-киши мумкин. Ўша бегона ДНКда ҳам маълум генетик код – ахборот сақланади. Худод кўрсатмасин, ўша бегона ДНК қайси танадан олинган бўлса, ўшанинг айрим биологик хусусиятларига эга бўладими? Айтайлик, қиян келажакда жуни одамлар пайдо бўлса, айрим одамлар таналари тунлари ёғду таратса, баъзи одамлар турли-туман кимёвий моддаларни бемалол "ўзлаштира"...

Тасаввур қилишнинг ўзи даҳшат!

Бахтиёр АБДУЛГАФУР,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
тадқиқотчиси, микробиолог.

ЗАРРАНИНГ ҚУДРАТИ

ёхуд юксак ақлнинг "бебош"ликлари ҳақида



ва ҳашарот билан (тавба!) частиштириш мумкин! Бугун табиатдаги деярли барча тирик мавжудот – наботот ва ҳайвонот олами вакиллари, таъбир жоиз бўлса, бир-бирига "куда-анда" қилиш ҳеч гап эмас.

Молекуляр биология ва генетиканинг жадал тараққиёти натижасида 90-йилларнинг яримдан бошлаб дунёнинг бир қатор биотехнологик компаниялари инсон истеъмолига мўлжаллаб, генетик модификацияланган махсулотлар (ГММ) билан бозорларни тўлдир бошладилар.



роитларда ҳам юқори ҳосил олиш мақсадида ўша навага қўлдан ёзувчи бошқа бир чидамли ўсимликнинг генлари киритилади. Молекуляр биолог ёки генетик айнан ўзига керакли генини "кесиб" олиб, бошқа ўсимликларнинг ДНКсига "ўлайди". Шу тариқа ўзга ген ёки ДНК қисмига эга бўлган организм (ҳайвон ёки ўсимлик) генетик модификацияланган ҳисобланади.

Ҳозиргача пахта, бугдой, соя, маккажўхори, картошка каби стратегик аҳамиятли махсулотларнинг генетик ўзгартирилган "нусхалари" бозорлардан мустаҳкам ўрин эгаллади. Пахтани турли ҳашаротлардан сақлаш мақсадида молекуляр биологлар гузанинг генетик модификацияланган навини яратишди.

Ер юзи аҳолиси тобора




ларга мурожаат қилайлик. Америкалик тадқиқотчиларнинг гапларига қараганда, ГММ ўсимликларнинг гулларида нектар йиққан асаларилар кейинги йилларда 30 фоиз камайган. Тадқиқотларда генетик модификацияланган ўсимлик гуллари-нинг чанги асалариларнинг ҳалокатига сабаб бўлгани аниқланган. Бундан ташқари, генетик модификацияланган экинлар билан боқилган қўйларнинг қилиш кетганини бошқа тадқиқотчи-олимлар ҳам таъкидладилар. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Айрим манбаларга кўра, "Монсанто" АҚШдаги деярли барча уруғ тайёрловчи компанияларни сотиб олган, соҳадаги ягона корпорацияга айланиб, дунёнинг деярли барча мамлакатларига



лага "Монсанто"нинг трансген бугдой уруғи ҳамда минг йиллар давомида табиий яратилган бугдой нави бир-галикда экилса, табиий бугдой навининг ҳам фақат бир авлод ҳосил бериши, ундан кейин эса "бепушт" бўлиб қолиши аниқланди. Бундай жараёнлар нафақат бугдой, балки деярли барча ўсимликларда ҳам кузатилгани эса мулоҳазали кишиларни даҳшатга солиши мумкин. Фараз қилайлик, трансген бугдой таъсирида дунёдаги барча табиий бугдой навлари "бепушт" бўлиб кетса, қандай аҳвол юз беради? Бу глобал муаммо нафақат олимларни, балки кўплаб сиёсатдонларни ҳам жиддий ташвишга солиб қўйди. Махсус тадқиқот ва таҳлиллар асосида бир тўхтамаг келиниб, БМТнинг озик-овқат қўмитаси (FAO) васийлиги-



да йирик лойиҳага қўл урилади. Шимолий муз уммонидаги доимий музликлар қоплаган Шпицберген архипелаги оролларида бирида йирик оқибор қурилиб, унда дунёдаги ўсимликлар уруғлари намуналари сақлана бошланди. Бундан кўзланган мақсадни изоҳлаш ўринсиз, назаримизда.

Икки йилча олдин интернетда тарқалган бир расмда келажак маҳлуқлари тасвирланган эди. Ўтишдан одамга ўхшайди. Териси буришқил, оёқлари – итнинг панжаси, атрофида болалар ўралашган...

Ирсий жиҳатдан ўзгартирилган бундай маҳлуқларнинг табиатдаги кейинги биологик фаолияти қизгин баҳс-мунозара, шубҳа-ғумон ва хавотирларга тўла. Негаки, келажакни тасаввур қилишга кўрқасан киши. Бизлар кундан-кунга ГММ аталмиш ҳаёт шаклларига қўниқиб, охириқабат уларнинг қурбонига айланмаймизми?

Сўнгги тадқиқотларга кўра, ирсий ўзгартирилган ҳаёт шаклларидаги ўша қўшимча ДНК қисми айрим ҳолларда инсон организмиде (кўпроқ ошқозонда) ҳазм бўлмас экан. У инсон вужудиде "сайр" қилиб, одамнинг табиий ДНКсига бирик-киши мумкин. Ўша бегона ДНКда ҳам маълум генетик код – ахборот сақланади. Худод кўрсатмасин, ўша бегона ДНК қайси танадан олинган бўлса, ўшанинг айрим биологик хусусиятларига эга бўладими? Айтайлик, қиян келажакда жуни одамлар пайдо бўлса, айрим одамлар таналари тунлари ёғду таратса, баъзи одамлар турли-туман кимёвий моддаларни бемалол "ўзлаштира"...

Тасаввур қилишнинг ўзи даҳшат!

Бахтиёр АБДУЛГАФУР,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
тадқиқотчиси, микробиолог.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Маъзиллик:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@uamail.uz

Қабулхона:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:
233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими:
233-54-10.

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-81-21, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахрираты компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУДЖАЕВ